



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 186 (13.783)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН – ҲИНДИСТОН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИГИ ЯНГИ, ЯНАДА ЮКСАК БОСҚИЧГА КЎТАРИЛМОҚДА

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ҳиндистон Республикаси Президенти Рам Натх Ковинднинг таклифига биноан 30 сентябрь – 1 октябрь кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.

Ташрифнинг иккинчи куни "Раштрапати Бхаван" саройида давлатимиз раҳбарини расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон ва Ҳиндистон давлат махфиялари янгради. Давлатимиз раҳбари фахрий қоровул сафи олдидадан ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев шу ерда мамлакатимиз ва Ҳиндистон оммавий ахборот воситалари учун қисқача баёнот берди.

Давлатимиз раҳбари Ҳиндистон Президенти ва Бош вазирга таклиф учун миннатдорлик билдириб, халқларимизни тарихий ришталар, ўхшаш анъаналар, маънавий ва маданий яқинлик боғлаб туришини таъкидлади.

Бугунги кунда Ҳиндистон жадал ривожланмоқда, замонавий қиёфа касб этмоқда. Унинг қудратли давлат ва иқтисодиёти ривожланган мамлакат сифатида жаҳондаги ўрни тобора мустаҳкамланмоқда. Ушбу мамлакат, айниқса, юқори технологиялар, инновациялар, саноат, дастурлаш, соғлиқни сақлаш, хизмат кўрсатиш соҳаларида илгор ҳисобланади.

Биз олий даражадаги учрашувларимиз натижасида фаоллашиб бораётган Ўзбекистон – Ҳиндистон муносабатларининг бугунги суръатини юқори баҳолаймиз. Ишончим комилки, ушбу ташриф ва самарали музокараларимиз мамлакатларимиз стратегик шериклигини янги босқичга олиб чиқиш имконини беради, деди Президентимиз.

Шундан сўнг Шавкат Мирзиёев Нью-Дехли шаҳридаги "Раж Гхат" ёдгорлигига ташриф буюриб, Ҳинд халқининг миллий қахрамони Махатма Ганди хотирасига ёқилган мангу олов ёнига гулчамбар қўйди.

Моҳандас Карамчанд Ганди Ҳиндистон миллий озодлик ҳаракатининг буюк раҳнамоси, "гандичилик" ғоясининг асосчиси. У ўз ватанининг миллий истиқлоли учун курашган ва Ҳиндистонда мустамлакачиликка чек қўйган инсон сифатида қадрланади. Махатма Ганди туғилган кун – 2 октябрь миллий байрам сифатида кенг нишонланади. Мазкур ёдгорлик мажмуаси унинг мамлақати ва халқи олдидаги хизматларига ҳурмат ифодаси сифатида бунёд этилган.

Шавкат Мирзиёев буюк давлат ва сиёсат арбоби хотирасига ҳурмат баҳо келтирди, мажмуанинг фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди.

Хайдаробод саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Ҳиндистон Республикаси Бош вазир Нарендра Модининг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқот чоғида таъкидланганидек, ўзбек ва Ҳинд халқларини тарихий ва маданий муштараклик боғлаб туради, стратегик шерикликини ривожлантириш ва кўллаб-қувватлашда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада фаоллаштириш учун мустаҳкам пойдевор мавжуд.

Ўзбекистон билан Ҳиндистон халқаро майдонда, жумладан, БМТ ва ШХТ доирасида бир-бирининг ташаббусларини қўллаб-қувватлайди. Минтақавий ва халқаро долзарб масалалар бўйича томонларнинг позициялари ўхшаш ёки яқин.

Халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, наркотикларнинг ноқонуний айланиши, трансмиллий уюшган жиноятчилик, шунингдек, бошқа минтақавий ва глобал таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашишда икки томонлама ва кўп томонлама тузилмалар доирасида ҳамкорликни янада ривожлантириш муҳимлиги таъкидланди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўрта-

сидаги сиёсий, иқтисодий, инвестициявий, инновация, транспорт, энергетика, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Бош вазир Нарендра Модининг мулоқоти икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибидagi музокарасида давом эттирди.

Ҳиндистон улкан иқтисодий имкониятларга эга, саноати ривожланган мамлакат. Янги икки маҳсулот ҳажми бўйича дунёда олтинчи ўринда туради. Юқори технологиялар, инновациялар, дастурлаш, соғлиқни сақлаш, хизмат кўрсатиш соҳалари ривожига катта эътибор қаратаётган мамлакатимиз учун Ҳиндистон тажрибаси ва технологиялари муҳим аҳамиятга эга. Ҳиндистон учун ҳам изчил ривожланаётган, инвесторларни қўллаб-қувватлаётган Ўзбекистон истиқболли ҳамкордир.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик мамлакатларимиз муносабатларининг асосий йўналишларидан биридир. Бугунги кунда Ўзбекистонда Ҳиндистон сармояси иштирокида 145 корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг 58 таси тўлиқ хориз капиталли эвазига ташкил этилган. 2018 йилнинг биринчи чорағида Ҳиндистон сармояси иштирокида 9 та корхона ташкил этилгани Ҳинд ишбилармонларининг мамлакатимизда фаоллиги ошаётганидан далолатдир.

Президентимиз ташрифи арафасида ўтказилган икки мамлакат мутасадди вазирлик ва идоралари ҳамда ишбилармон доираларининг қўшма бизнес-форумида умумий қиймати 3 миллиард доллардан зиёд бўлган сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди.

Музокарада савдо, иқтисодиёт, инвестициялар, юқори технологиялар, тиббиёт, фармацевтика, туризм ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликнинг янги имкониятлари муҳокама қилинди.

Бу борада ҳали фойдаланилмаган имкониятлар кўплиги, ушбу ташриф ўзаро манфаатли Ўзбекистон – Ҳиндистон муносабатларига янги суръат бахш этиши таъкидланди. Бунда икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқаларни фаоллаштириш алоҳида аҳамиятга эга.

Нью-Дехлида ўтган олий даражадаги музокарада яқинда имзоланган ҳужжатларни ўзаро алмашиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон – Ҳиндистон мулоқоти якунида икки мамлакат ҳамкорлигини турли соҳаларда янги, янада юқори босқичга олиб чиқишга қаратилган 20 та ҳужжат имзолангани қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳиндистон Республикаси Бош вазирининг Қўшма баёноти қабул қилинди.

Дипломатик паспорт эгаларини виза талабларидан озод этиш, туризм, қишлоқ хўжалиги, фан-техника ва инновациялар, кинотни таъкид этиш ва ундан тинчлик мақсадларида фойдаланиш, гивҳандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш, соғлиқни сақлаш ва тиббиёт илми соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битимлар имзоланди.

Бундан ташқари, ҳарбий таълим, ҳуқуқ ва адлия, фармацевтика соҳаларидаги муносабатларни ривожлантиришга доир ўзаро англашув меморандумлари қабул қилинди. Имзоланган ҳужжатлар орасида Ўзбекистон – Ҳиндистон ишбилармонлик кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги битим, шунингдек, Андижон вилояти билан Ҳиндистоннинг Гужарат штати, Самарқанд ва Агра

шаҳарлари ўртасида ҳамкорлик ва шерикликни йўлга қўйиш, Андижон шаҳрида Эркин фармацевтика зонасини ташкил этиш тўғрисидаги англашув меморандумлари алоҳида аҳамиятга эга.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ўтказилган брифингда Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Ҳиндистон билан алоқаларга устувор аҳамият қаратиши, амалий руҳда ўтган музокаралар томонларнинг ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини тасдиқлаганини таъкидлади. Икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажмининг 1 миллиард долларга етказишга келишиб олингани қайд этилди.

Анъанавий дўстлик руҳида ўтган бугунги музокара мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаати йўлида интилишларимиз қатъий эканини кўрсатди. Оқчилик, ўзаро англашув ва манфаатларга ҳурмат асосида қарор топан ҳамкорлигимиз мустаҳкамлашиб бораётганини юксак қадрлаймиз, деди давлатимиз раҳбари.

Биз Ўзбекистон Президенти билан мамлакатларимиз ҳамкорлигини ҳар томонлама муҳокама этиб, унинг истиқболли йўналишларини белгилаб олдик. Ўзаро савдода преференциялар қўллаш, ахборот технологиялари, ҳудудлараро ҳамкорлик ва бошқа қатор масалалар бўйича самарали келишувларга эришдик, деди Ҳиндистон Бош вазир.

Давлатимиз раҳбари Ҳинд халқига юксак ҳурмат-эҳтиром рамзи сифатида Нарендра Модига буюк мутафаккир Робиндранат Тагорнинг ўзбек тилида chop этилган 8 жилдли асарлар тўпламини совға қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Нью-Дехли шаҳрида ўзи учун ажратилган қароргоҳда Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар вазири Сушма Сваражни қабул қилди.

Мулоқотда давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида дўстлик ва стратегик шериклик муносабатлари изчил ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди. Жорий йилда томонларнинг интилиши натижасида ўтказилган учрашувлар, қатор делегациялар алмашувлари давлатлараро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани юқори баҳоланди.

Шавкат Мирзиёев мазкур давлат ташрифи тўғрисидаги қўриқда Свараж хонимнинг хизматлари катта эканини қайд этар экан, олий даражадаги учрашувлар мамлакатларимиз ўртасидаги анъанавий дўстона муносабатларда янги даврни бошлашга, икки томонлама ҳамкорликни янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Нью-Дехли шаҳрида ўзи учун ажратилган қароргоҳда Ҳиндистон Республикаси вице-президенти, сенат раиси Венкай Найдунни қабул қилди.

Учрашувда мамлакатларимиз алоқаларини ривожлантиришни турли жиҳатлари, ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш масалалари хусусида фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбари "Раштрапати Бхаван" саройида Ҳиндистон Республикаси Президенти Рам Натх Ковинд билан учрашди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ҳиндистон Республикасига давлат ташрифи ниҳоясига етди. Ушбу ташриф, унда эришилган натижалар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар тарихидан муҳим ўрин эгаллаши ва ўзаро ҳамкорликни янги босқичга кўтариши муқаррар.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,

ЎЗА МАХСУС МУҲБИРИ

Тошкент – Нью-Дехли – Тошкент

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мактабгача таълим тизimini яхлит узлуксиз таълим тизimini муҳим бўғини сифатида янада такомиллаштириш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни ҳар томонлама интеллектуал, маънавий-эстетик ва жисмоний ривожлантирувчи замонавий таълим дастурлари ва технологияларини таъминлаш жараёнига жорий этиш, уларнинг мактабга тайёрларлик даражасини тубдан ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик деб аталади) негизида қуйидагиларни ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

а) **Ахборот ва педагогика технологиялари инновацион марказини** (кейинги ўринларда – Марказ) давлат муассасаси шаклида ташкил этиш ҳамда унга қуйидаги вазифаларни юклаш:

таълим-тарбия жараёнига илгор педагогика ва ахборот технологияларини жорий этиш, Мактабгача таълимни бошқариш ахборот тизimini жорий этилишини таъминлаш;

таълим-тарбия жараёнида, мактабгача тарбия тизimini педагог ва раҳбар ходимлари таркибини ўқитиш жараёнида фойдаланиш ҳамда турли телекоммуникация каналлари орқали тарқатиш учун медиа-контент тайёрлаш ва ишлаб чиқариш;

мактабгача таълим муассасалари учун ўқув-методик, дидактик материалларни тайёрлаш ва ишлаб чиқариш; мактабгача ёшдаги болаларни эрта ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш;

мактабгача таълимни бошқаришнинг замонавий стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш; мактабгача таълим тизimini жорий этилаётган таълим усуллари ва дастурларини таҳлил қилиш ва самарадорлигини баҳолаш;

б) **Ихтисослаштирилган лойиҳа-изланиш институтини** (кейинги ўринларда – Институт) давлат унитар корхонаси шаклида ташкил этиш ҳамда Институтни мактабгача таълим тизimini буюртмачилари билан тузилган шартномаларга мувофиқ инвестиция лойиҳалари бўйича, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бўйича лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишда бош лойиҳа ташкилоти сифатида белгилаш;

в) **Инфратузилмани ривожлантириш бўйича инжиниринг компаниясини** (кейинги ўринларда – Инжиниринг компанияси) давлат унитар корхонаси шаклида ташкил этиш ҳамда Инжиниринг компаниясига мактабгача таълим тизimini объектларини қуриш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича буртмачи функцияларини юклаш ҳамда компания хизматлари билан боғлиқ харажатларни давлат мактабгача таълим муассасаларини қуриш, капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш қийматига киритиш;

г) юридик шахс ташкил қилмасдан **Мактабгача таълимни ривожлантириш жамғармасини** (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этиш.

Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

Республика бюджети маблағлари, шу жумладан, 2018-2019 йилларга мўлжалланган, ҳар чоракда ажратилиб, ҳар йили бюджет қоидаларига мувофиқ индексацияланадиган жами 100 миллиард сўм миқдориди;

давлат мактабгача таълим муассасаларининг фойдаланилмаётган кўчмас мулкни сотишдан тушган маблағлар – 100 фоиз миқдориди;

Вазирлик тузилмасига кирган ташкилотлар ва муассасалар фаолиятини текшириш натижалари бўйича Вазирлик ички аудит хизматлари томонидан аниқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, мақсадли жамғармалари ва бюджетдан ташқари жамғармалари даромадига ундирилган бюджет маблағларининг ноқонуний харажатлари, ўғирлик, қамомат суммаларининг 50 фоизи;

Жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағларини жойлаштиришдан олинган даромадлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг хайрия маблағлари; халқаро молия ташкилотлари, хорижий давлатлар ва бошқа донорлар кредитлари (қарзи), грантлари ва техник қўмаклашиш маблағлари;

қонун ҳужжатларида таъкидланмаган бошқа манбалар. Белгилаб қўйилсинки:

а) **Жамғарма маблағлари:** мактабгача таълим муассасаларини белгиланган тартибда мақсадли қурилишлар рўйхатига киритиб, уларнинг тармоғини кенгайтиришга;

мактабгача таълим тизimini ходимларини моддий рағбатлантиришга;

юқори малакали мутахассислар, шу жумладан, хорижий мутахассисларни, шунингдек, хорижда фаолият юритаётган ватандошларимизни фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида Вазирликка ишлаш учун жалб қилишга;

Вазирликка юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш доирасида давлат органлари ва ташкилотлари, лойиҳа институтлари, илмий ва олий таълим муассасалари, ётачки халқаро ва хорижий ташкилотлар мутахассисларини, шунингдек, экспертларни маслаҳатчилик сифатида жалб қилишга;

Вазирлик ходимларини, жумладан, хорижда ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилишга;

(Давоми 2-бетда)




● Жиззах вилоятида оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларининг сув ресурслари ва сувдан оқилана фойдаланиш масалалари бўйича хабардорлигини оширишга қаратилган семинар-тренинг ўтказилди.
● Наманганда "Худудларда тадбиркорлик ташаббуслари ва лойи-

ҳаларини жадал амалга ошириш – давр талаби" мавзусида тадбир ўтказилди. Унда депутатлар, партия фаоллари, вилоят прокуратураси, божхона, адлия бошқармалари ва бошқа тегишли идоралар масъул ходимлари, тадбиркорлар ва фермер хўжаликларини раҳбарлари иштирок этди.

● Тошкент давлат аграр университетининг Андижон филиалида "Инновацион технологияларни ривожлантиришда таълим, фан ва бизнес тизимлари ўзаро алоқаларига оид долзарб масалалар" мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди.

● Урганчда Хоразм вилояти билан Козогистоннинг Мангистау вилояти ҳокимликларининг ҳамкор-

ликдаги бизнес-форуми ўтказилди. Тадбирда икки вилоятнинг иқтисодий салоҳияти, имкониятларини акс эттирувчи видеороликлар намойиш этилди. Нефть-газ, транспорт-коммуникация, қишлоқ хўжалиги, туризм, саноат ва ишлаб чиқариш соҳаларида ҳамкорликни янада кенгайтиришга оид қатор истиқболли келишувларга эришилди.



● Индонезиянинг Флорес ороли яқинида яна бир 5,9 магнитудали зилзила рўй берди. Таъқдланмишча, зилзиланинг марказий нуқтаси оролдан 250 км. масофада жойлашган. Зилзила цунами келтириб чиқармаган.

● Кўпчилик тухум таркибида холестерин миқдори кўп деб ўйлагани учун уни камроқ истеъмол қилишга ҳаракат қилади. Лекин парҳезшунорак томонидан ўтказилган янги тадқиқот натижалари тухумда ушбу модда юқори эмаслигини кўрсатди. Агар чақалоқ бир ярим ёшидан бошлаб кунига ҳеч бўлмаганда битта тухум истеъмол қилмаса, унга камқонлик хавф солади ва ривожланишдан орқада қолиши мумкин. Чунки тухумда темир, кальций ва В12 витамини кўп. Оксил ва темир моддаси мунтазам жисмоний машғулот билан шуғулланадиган ҳамда буйрак касаллигига чалинган беморлар учун жуда фойдалидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИМАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ
БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Вазирлик, Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоят мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бошқармаси, мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлими ва давлат мактабгача таълим муассасалари биноларини жиҳозлаш ва таъмирлашга;

таълим-тарбия жараёнига илғор педагогика ва ахборот технологияларини жорий этиш, шунингдек, Вазирлик фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган бошқа тадбирларга сарфланади;

б) Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан келишган ҳолда Жамғарма томонидан хорижий давлатлар ва ҳукуматлардан, халқаро ва хорижий ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотларидан, чет эллик фуқаролардан бегараз ёрдам олиниши ҳақида қарорлар қабул қилади.

2. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги марказий аппаратининг янгиланган тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик тизими бошқарув ходимларининг чекланган сони 2 324 нафар, шу жумладан, Вазирлик марказий аппарати ходимлари 138 нафар, шунингдек, методистлар 471 нафар этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлиги:

Вазирлик марказий аппаратининг тасдиқланган тузилмасига бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони чегарасида ўзгартиришлар киритиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоят мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бошқармаси, мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлими, бошқа идоравий мансуб ташкилотларнинг низомлари ва тузилмаларини, шунингдек, уларнинг бошқарув ходимларининг чекланган сонини тасдиқлаш ҳуқуқлари берилсин.

3. Белгилансинки:

а) Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоят ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бошқармалари, мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлими раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлиги томонидан жойлардаги давлат ҳокимияти органлари билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади;

б) 2019 йил 1 январдан: мактабгача таълим тизимининг пенсия ёшидаги ходимларига, уларнинг мактабгача таълим тизими муассасаларидаги фаолияти асосий иш жойи бўлган тақдирда пенсия тўлиқ миқдорда тўланади; мактабгача таълим билан боғлиқ йўналиш бўйича фаолиятга лицензия бериш учун мажбурий лицензиявий талаб мактабгача таълим муассасаси, унинг тарбияланувчилари, педагоглари ва таълим-тарбия жараёни тўғрисидаги ишончли ахборотни Мактабгача таълимни бошқаришнинг ахборот тизимига киритишди;

нодавлат мактабгача таълим муассасаси лицензиясини тўхтатиш ёки бекор қилиш учун Мактабгача таълимни бошқаришнинг ахборот тизимида мактабгача таълим муассасаси, унинг тарбияланувчилари, педагоглари ва таълим-тарбия жараёни тўғрисидаги ишончли ахборотнинг йўқлиги асос бўлади.

4. 2018-2019 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштиришнинг кўшимча чора-тадбирлари дастури 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари ушбу Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсий жавобгар эканлиги кўрсатилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасидан Марказга бегаразлик асосида босқичма-босқич 10 миллион АҚШ доллар эквивалентда, шу жумладан, 2018 йилда Марказни жойлаштириш, жиҳозлаш ва сақлаш билан боғлиқ ташкилий-амалий тадбирларни молиялаштириш учун 2 миллион АҚШ доллар эквивалентда маблағ ажратсин;

Вазирлик билан биргаликда белгиланган тартибда мактабгача таълим муассасаларининг Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан кенг полосоли интернет тармоғидан фойдаланишини таъминласин.

6. Куйидагилар:

хорижий шериклар билан биргаликда амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида илғор педагогик технологиялар ва инновацияни ўқитиш усулларини жорий этиш ҳамда мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ташкил қилиш, шу жумладан, мактабгача таълим соҳасида қорхоналар ташкил қилиш учун олиб кириладиган товарлар;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, Марказ, Инжиниринг компанияси ва Институт томонидан олиб кириладиган махсус техника, ускуналар, шу жумладан, асбоблар, эҳтиёт ва бутловчи қисмлар, техник хужжатлар ва дастурий маҳсулотлар белгиланган тартибда шакллантирилган рўйхатлар бўйича 2022 йилнинг 1 январидан божхона тўловларидан (божхона йўғимларидан ташқари) озод этилсин.

Белгилансинки, юқорида кўрсатилган товарлардан мақсадсиз фойдаланилган тақдирда божхона имтиёзлари берилиши муносабати билан тўланмаган божхона тўловлари суммаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети фойдасига ундирилади ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда молиявий санкциялар қўлланилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва Молия вазирлиги:

2019 йил 1 январдан Тошкент шаҳрининг учта туманида жон бошига норматив молиялаштиришнинг синов режимида жорий этилишини;

2019 йил 15 июлдан бўлган муддатда синов тартибидеги жон бошига норматив молиялаштириш натижаларининг батафсил таҳлил қилинишини;

2019 йил 1 августдан бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ўтказилган таҳлил натижаларини ҳисобга олган ҳолда мактабгача таълим тизимида молиялаштириш механизмининг такомиллаштириш бўйича тақлифлар киритилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Вазирлик ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлик Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда 2018 йил 1 ноябргача бўлган муддатда қишлоқ жойларда бир нечта кўп қаватли турар жой уйлари ёки уйлари гуруҳларидан иборат янги мажмуаларни лойиҳалаштириш нормативлари ва тартибини ишлаб чиқарин ҳамда кўп қаватли турар жой уйларининг биринчи қаватларида ёки алоҳида бино кўринишида мактабгача таълим муассасаси бўлишини назарда тутсин.

9. Белгилансинки:

қишлоқ жойларда бир нечта кўп қаватли турар жой уйлари ёки уйлари гуруҳларидан иборат янги қурилаётган мажмуалардаги мактабгача таълим муассасасининг энг кам қуввати 50 ўриндан кам бўлмаслиги керак;

қурилган мактабгача таълим муассасалари бинолари ёки хоналари давлат ёки нодавлат таълим муассасаларини, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик асосида, турар жой мулкдорларининг қарорига мувофиқ ташкил қилиш учун фойдаланилиши мумкин;

давлат мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш, тугатиш, уларга тегишли ер участкалари ва кўчмас мулкни олиб қўйиш фақат Вазирлик билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

давлат мактабгача таълим муассасаларини қайта ташкил этиш ёки тугатиш, уларга тегишли ер участкалари ва кўчмас мулкни олиб қўйиш ҳақида Вазирлик билан келишмаган ҳолда қарор қабул қилган мансабдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

10. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳамда Вазирлик Иқтисодиёт вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, "Ўзбекэнерго" АЖ ва "Ўзтрансгаз" АЖ билан биргаликда 2019 йил 1 мартдан бўлган муддатда 2025 йилгача мактабгача таълим муассасаларини ичимлик суви, иситиш тизими, электр энергияси ва табиий газ билан таъминлашни тубдан яхшилаш дастури лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. "UZINFOCOM" давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор" МЧЖ ҳамда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази билан биргаликда 2019 йил 1 январгача:

болани давлат мактабгача таълим муассасасига қабул қилиш бўйича давлат хизматидан фойдаланганда;

мактабгача таълим муассасаларида таълим олаётган болалар учун жисмоний шахс шахсий идентификация рақамини бериш бўйича хизматни жорий этсин.

12. Вазирлик:

а) ўн кунлик муддатда Давлат мактабгача таълим муассасаларининг Вазирлик кенгашларини тугатиш ҳамда Давлат мактабгача таълим муассасаларининг Кузатув кенгашларини тугатиш;

б) бир ойлик муддатда:

давлат мактабгача таълим муассасалари томонидан дам олиш кунларида ва иш кунини тугатгандан кейин белгиланган дастурдан ташқари фаолият ихтисослиги бўйича қўшимча пуллик хизматлар кўрсатиш (болаларни парваришлаш, қараб туриш, ўқитиш бўйича ва бошқалар) тартибини тасдиқласин;

Мақтабгача таълим муассасасининг кузатув кенгаши ҳақида низомни тасдиқласин ва унда, шу жумладан, Кузатув кенгашига Вазирликнинг ҳудудий бўлими томонидан тавсия этилган номзодлар таркибидан мактабгача таълим муассасаси раҳбарини сайлаш ҳуқуқи берилиши назарда тутилсин.

13. Белгилансинки:

а) Вазирлик ва унинг ҳудудий бўлимиларининг Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, товарлар, ишлар, хизматларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича умумий харажатлар (ҳомийлик, бегараз ёрдам суммаларидан ташқари) қоплангандан кейин моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва моддий рағбатлантириш бўйича тадбирлар учун фойдаланилади;

б) давлат мактабгача таълим муассасаси ҳисобварағига қўшимча пуллик хизматлар кўрсатишдан тушган маблағлар қўшимча пуллик хизматлар кўрсатиш бўйича умумий харажатлар қоплангандан кейин;

80 фоизи – мактабгача таълим муассасаси ходимларини моддий рағбатлантириш ҳамда мактабгача таълим муассасаси моддий-техника базасини яхшилашга (таъмирлаш, инвентарь ва ускуналар, ўқув-услубий материаллар сотиб олиш ва бошқалар);

10 фоизи – Жамғармага;

5 фоизи – тегишли туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимининг Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасига;

5 фоизи – Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бошқармасининг Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади.

14. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтиришни биргаликда молиялаштириш, давлат мактабгача таълим муассасаларини жиҳозлаш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, мазкур қарор билан тасдиқланган 2018-2019 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштиришнинг кўшимча чора-тадбирлари дастури билан биргаликда молиялаштириш учун донор мамлакатлар ва халқаро молиявий институтлар маблағларини (кредитлар, қарзлар, грантлар) давлат-хусусий шериклик асосида жалб қилишни таъминласин.

15. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси Бош прокуратура, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда мактабгача таълим муассасалари фаолиятини текшириш тартибини белгиладиган Ҳукумат қарорини, бундай ваколатлар берилган органларнинг қатъий рўйхатини, текширувларни тайинлаш ва ўтказишнинг ҳуқуқий асосларини кўрсатган ҳолда ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ноқонуний текширишларга йўл қўйилмаслиги устидан назоратни қўйишнинг ҳамда айбдор шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ қатъий жавобгарлик чораларини қўлласин.

Назорат қилувчи органлар жойлардаги давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда мактабгача таълим муассасалари фаолиятини текшириш чоғида аниқланган қондабузарликларнинг барта-раф этилиши ва кейинчалик йўл қўйилмаслигига ҳар томонлама ёрдам кўрсатсин.

17. Молия вазирлиги мазкур қарорнинг амалга оширилиши учун зарур маблағларни 2018 йилда "Таълим" тармоғи бўйича Давлат бюджети параметрлари чегарасида ажратсин, 2019 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг параметрларида ҳар йили назарда тутсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

Марказ, Институт ва Инжиниринг компаниясини фаолиятини ташкил қилиш бўйича, шу жумладан, уларни молиялаштириш манбаларини назарда тутган ҳолда;

Жамғарманинг фаолиятини ташкил қилиш бўйича қарор қабул қилсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлиги Жамғарма маблағларини тақсимловчи этиб белгилашни назарда тутсин.

19. Марказ, Институт ва Инжиниринг компаниясини Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Оқдарё кўчаси, 122-уйда жойлашган Яшнобод компьютер технологиялари касб-хунар коллежи биноларида жойлаштирсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари 4-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 5-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

22. Вазирлик бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

23. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувоҳитов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазири А.В.Шин зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 30 сентябрь

ЎЗБЕКИСТОН — ФРАНЦИЯ:
МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ
ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

Юртимиз заминидан өтишиб чиққан, илк ўрта асрлардан бошлаб диний ва дунёвий фанларда оламшумул кашфиётлар қилган алломаларимизнинг ҳаёт йўли ва фаолияти Европа жамиятларида катта қизиқиш уйғотган. Европа черков инквизицияси ва салб юришларининг оғир оқибатлари туфайли илм-фан тараққиётида орқада қолган бир пайтда мусулмон олами мутафаккирлари инсоният тараққиётига бебаҳо ҳисса бўлган асарлар яратганлар.

Шарқ, жумладан, қадимги Мовароуннаҳрдаги тараққиёт Франциянинг ўша пайтдаги ҳукмдорлари ва тафаккур олами вакилларида катта қизиқиш уйғотган. Миллодий XIII асрда қирол Луи IX французлик рудоний Гийом де Рубрукни Осиёга жўнатди. Рудонийнинг лотин тилида битилган йўл хотиралари французликлар ва европаларнинг Марказий Осиё тўғрисидаги тасаввурларини сезиларли даражада бойитган.

Яна бир рудоний Иоанн соҳибқирон Амир Темур ва қирол Шарл VI ўртасидаги мулоқотда воситачилик қилган. Францияда сақланган Амир Темурнинг форсийда битилган мактубида ҳар иккала мамлакат ўртасида савдо-сотиқ муносабатларини ўрнатish тақлиф қилинган эди.

Париж Миллий кутубхонасида Шарл VI нинг Амир Темурга 1403 йилда йўллаган жавоб мактубининг лотин тилидаги нусхаси сақланади. Мактубдан маълум бўлади, Франция фуқаролари Темур давлати сарҳадларида эркин ҳаракатланиш ҳуқуқига эга бўлган. Икки ҳукмдор ўртасидаги ёзиқлар тарихи биринчи марта XIX аср бошида машҳур француз шарқшуноси Сильвестр де Саси томонидан ўрганилган.

Европа шарқшунослик мактабига XVI асрда айнан Францияда асос солинган. Франциялик олимлар Фаргоний, Бухорий, Ибн Сино, Хоразмий, Беруний, Улғубек ва Навоийнинг асарларини лотин ва француз тилига таржима қилган. Миллатимиз фаҳри, буюк муҳаддис Имом Бухорийнинг турли даврларда кўчирилган ва таржима қилинган 92 асари ҳозир Франция Миллий кутубхонасида сақланмоқда. Париж кутубхоналарида бошқа алломаларимизнинг ҳам араб, форс, лотин ва француз тилларидаги асарлари асраб-авайлаб келинмоқда ва ўрганилмоқда.

XVIII асрдан бошлаб юртимизнинг турли шаҳарларида француз савҳатчилари, тадқиқотчилар, зиёвчилар ва санъат вакиллари яшаб келганлар. Келиб чиқishi француз бўлган ака-ука Алексис Бенау (мезмор) ва Альбер Бенау (рассом) яратган бинолар ва асарлар Тошкентда ҳозиргача сақланиб турибди. Шунингдек, машҳур шарқшунос ва таржимон Мишель Салье ва мусиқашунос Станислав Савари Тошкентда яшаб ижод қилган.

XIX аср охири ва XX аср бошида Тошкентда яна бир машҳур француз Жозеф-Антуан Кастанье яшаган. Кастанье француз тилидан дарс берган ҳамда ўрта Осиё археологик ҳаритасини тўзишда иштирок этган.

Ўзбекистон тарихи, маданияти ва маърифатига қизиқиш, уни тадқиқ қилиш шўролар даври ва мустақиллик йилларида ҳам давом этган. Турли даврларда фаолият юритган француз олимлари, шарқшунослари, тадқиқотчилари ва журналистларидан Андре дю Рье, Пьер Валье, Антуан Галлан, Бартолеме д'Эрбело, Клод-Этьен Савари, Антуан Сильвестр де Саси, Франсуа Шарвэн, Шарл Шефер, Пьер Обри, Мишель Вальзан, Жан-Поль Ру, Бакс Граммон, Люсьен Керен, Катрин Пулжол ва бошқалар юртимиз тарихи, маданияти, мусиқаси тўғрисида аjoyиб асарлар ёзган.

Ўзбек-француз адабий алоқалари ҳам кўп йиллик тарихга эга. 1932 йилдаёқ ёзувчи Франсуа Дюлоннинг "Қамар" романи ўзбек тилига таржима қилинган. XX аср биринчи ярмида ўзбек китобхоналари Молосан, Зоя, Молвер каби Франция мумтоз адабиёт вакиллари ижоди билан таниш бўлган. Кейинчалик А.Дюма, Вольтер, Гюго, Барбюс, Бальзак асарлари ўзбек тилида китобхоналар қўлига этиб борди.

Ушбу жараён мустақиллик йилларида янгича суръатда ривожланмоқда. Ҳозиргача рус тили орқали амалга ошириб келинган бадиий таржима энди бевосита француз тилидан амалга оширилмоқда. Жумладан, сўнгги икки йилда Шарль Перро эртаклари, адабиёт соҳасида Нобель мукофоти соҳибдорлари Ф.Мориак ("Йиллар комиди"), Ле Клезю ("Мондо"), Модина ("Тўй сабаҳи"), А.Моруа (ҳикоялар) асарлари ўзбек тилига таржима қилиниб, китобхоналарга ҳавола этилди.

Ўз навбатида, Чүлпоннинг "Кеча ва кундуз", Фафур Фуломнинг "Шум бола", Эркин Аъзамнинг "Шоақин" асарлари француз тилига ўйрилди ва фарангй забон ўқувчиларга тақдим қилинди.

Бошқа хорижий тиллар қатори француз тили ҳам аҳоли, айниқса, ёшлар томонидан қизиқиш билан ўрганилаётган. Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги ўрта, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида 200 дан ортиқ педагог француз тилидан дарс берамоқда.

2016 йилдан Тошкентда ноҳукумат таълим муассасаси – "Тошкент Франция Альянси" фаолият юрита бошлади. Ўтган қисқа вақт мобайнида ушбу муассаса қошидаги курсларни 2 миңдан ортиқ юртодошимиз тамомлади ва халқаро дипломга эга бўлди. Мамлакатда туризм истикболлари кенгайтириш билан "Тошкент Франция Альянси" фаолияти ҳам кенгайиб бошлади. Альянс таржимон-гидлар малякасини ошириш йўналишида ҳам фаолият олиб бормоқда.

Маданий-маърифий ҳамкорлик ҳақида гапирар эканмиз, театр, кино, илмий соҳаларга ҳам тўхталмай илож йўқ. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бариб этилаётган Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Ислом цивилизацияси маркази Франциядаги Шарқ мамлакатлари адабиёти ва тиллари миллий мактаби, Миллий кутубхона, Лувр, Илмий тадқиқотлар миллий маркази каби обрўли муассасалар билан эришилган келишувларга мувофиқ улар билан ҳамкорлик қилмоқда. Айни пайтда Франциядаги ушбу муассасаларга амалиётчи ва тадқиқотларни юборишга тайёрлик қўрилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ва жаҳон тамаддуни ривожига тугган ўрни нечоғли юксак бўлса, Франциянинг ҳам Европа ва дунё маданияти раванқидаги аҳамияти шунчалар бекиёқ. Буюк аждодларимиз яратган илмий асарлар ўрта асрлардан бошлаб французлик олимлар томонидан ўрганила бошланган. Фаргоний, Бухорий, Ибн Сино ва Беруний яратган асарлар айнан француз таржимонлари томонидан лотин тилига таржима қилинган уларнинг катта қисмининг йўқ бўлиб кетишининг олдини олган. Ушбу маърифат ва илм жаҳонларни бугунги кунда ҳам дунё кутубхоналарида сақланиб келмоқда.

Ҳар икки мамлакат раҳбарларининг сиёсий иродаси билан ўзбек ва француз халқлари орасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари йўналишида янги ўфлар очилиши, маданият ва маърифат соҳасидаги ҳамкорлик ушбу жараёнда муҳим ўрин тутishi шубҳасиз.

Шоазим МИНОВАРОВ,
Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси
маркази директори
ЎЗА

**“Обод маҳалла”
дастури – амалда**

АҲОЛИ АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАРДАН МАМНУН

Омина опа 35 йилдан буён Олмазор туманининг “Юқори Себзор” маҳалласида истиқомат қилади. Маҳалла ишларида доим фаоллик кўрсатиб келган Омина Саилхонова бугун ўз маҳалласининг “Обод маҳалла” дастурига киритилиб, обод этилганидан, аввалги ҳолатидан бутунлай ўзгача, замонавий қиёфага кирганидан хурсанд.

Омина опа сингари мазкур маҳаллада яшовчи 5 минг 800 дан ортқ фуқаро ҳам бу ерда амалга оширилган ишлардан мамнун. Демак, қилинган ишларга тўхталиб ўтадиган бўлсак, маҳалладаги кўп қаватли уйларнинг 2850 квадрат метр том қисми, 12 та уйларнинг ертўласи, 12 та уй фасади жорий таъмирланди. Уйларнинг фрамуга ойналарига замонавий ромлар ўрнатилди. Уйлар олди 6 минг квадрат метр бетон билан қопланди.

Шунингдек, бу ердаги мавжуд Имом ат-Термизий номидаги жоме масжиди қайтадан бунёд этилиб, атрофи ободонлаштирилди. Маҳалладаги 3 та қариялар дам олиш маскани ҳам замонавий қилиб таъмирланди. 65 та тунги ёриткичлар замонавийсига алмаштирилди. Қолаверса, ҳар бир уйга замонавий рақамлар ўрнатилди. 21 та кириш йўлаклари таъмирланди. Маҳалла ички кўчаларига ҳам асфальт ётқизилди.

Аваллари маҳаллада жойлашган мактабгача таълим муассасаси ҳам хароб ҳолда бўлган. Дастур доирасида мазкур таълим муассасаси нафақат таъмирланди, балки унинг олди янги бино ҳам қуриб битказилди. Шунингдек, бу ҳудуддаги мактаб биноси ҳам мукамал таъмирланди, ўқувчиларнинг таълим олишлари учун барча шароитлар яратиб берилди.

Мактабнинг ёнида эса “Юқори Себзор” маҳалласининг янги гузари ҳам қурилмоқда. Айтиш мумкинки, бу ерда аҳолининг қулай ва фаровон яшашлари учун мусасаддилар қўлдан келганча бунёдкорлик ишларини олиб боришиди. Энди эса фуқаролардан ана шу ободликни асраш, унинг қадрига етиш талаб этилади, холос.

**Нигина ҲАКИМОВА,
Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ходими**

Ўзбекистон Республикаси Олий судида янги расмий веб-сайт ҳамда ундаги фуқаролар ва юридик шахслар учун янги интерактив хизматлар тақдимоти бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимизда фаолият кўрсатувчи халқроқ ташкилотлар ва олий суднинг ҳуқуқларини кафолатли химоя қилиш орқали уларнинг судларга бўлган ишончини мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадамлар ташланганини қайд этишди.

Олий суд раиси К.Комилов ва бошқалар ўтган икки йил давомида Ўзбекистон суд тизимида кенг қўланили, том маънода тарихий ўзгаришлар амалга оширилгани, фуқароларнинг ҳуқуқларини кафолатли химоя қилиш орқали уларнинг судларга бўлган ишончини мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадамлар ташланганини қайд этишди.

Судлар давлат ҳокимиятининг муҳим бўлини сифатида жамият маънафаатларига хизмат қилиши, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаши, энг асосийси, очиқ ва шаффоф бўлиши керак.

Президентимизнинг айна шу мақсадга қаратилган 2017 йил 30 августдаги “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган 2017-2020 йилларда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ишчиллик билан таъминланмоқда.

Тадбирда ушбу Дастур асосида судлар фаолиятига жорий этилган суд фаолияти самардорлигини оширадиган, суд жараёнларининг очикилиги ва шаффофлигини таъминладиган, суд иштирокчилари учун қатор қулайлик ва имкониятлар яратган интерактив хизматлар тақдим этилди.

Авалло, тадбирда Олий суднинг янги веб-сайти ва ундаги фуқаролар учун кенг имкониятлар ҳақида сўз юритилди. Сайт www.sud.uz, www.oliusud.uz ва www.surcour.uz каналларида жойлашган.

Айтиш керакки, ушбу сайт ва ун-

даги интерактив хизматлар замонавий технологияларнинг сўнгги ютуқ ва имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган. Хусусан, фойдаланувчилар ушбу сайт орқали ҳозирда 4 йўналишда фаолият кўрсат-

мажлисларининг жадвали, суд мажлисининг қуни ва вақти ҳақида электрон хабардор бўлиш, барча суд қарорлари билан танишиш имконияти яратилди.

Тақдимотда кўрсатилган “Фуқаро-

СУД МАЖЛИСЛАРИНИНГ ОНЛАЙН ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА

таётган – жиноят ишлари бўйича, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий судлар ҳақида маълумотларни осон топиши, контентларнинг икки тилда – ўзбек ва рус тилларида жойлаштирилиши шулар жумласидандир.

Шунингдек, сайтдан суд тизими, ҳал этиладиган низолар, судлар фаолиятига доир статистик маълумотлар, судларга мурожаат қилиш тартиби, мурожаат қилинганда ундирилган давлат божни ставкалари ва реқвизитлари тўғрисида батафсил маълумот олиш имконияти мавжуд.

Энг асосийси, сайтда судлар томонидан кўрсатилган интерактив хизматлар тизимлаштирилган тартибда жойлаштирилган.

Тадбирда фуқаролик ишлари бўйича судларнинг интерактив хизматлари тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Маълумки, Олий суд, АҚШ Халқроқ тараққиёт агентлиги (USAID) ва БМТ Тараққиёт Дастурининг “Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” қўшма лойиҳаси доирасида фуқаролик ишлари бўйича барча судларда кенг жорий этилган E-SUD миллий электрон судлов ахборот тизими фуқароларга бир қатор қулайликлар яратиш билан бирга соҳа фаолиятида очкилик ва шаффофликни таъминлашга хизмат қилмоқда. Эндликда ушбу тизим орқали фуқаролик ишлари бўйича судларга электрон мурожаат қилиш билан бирга суд

лик ишлари бўйича судларга мурожаат қилиш намуналари” дунёнинг ҳеч бир суд тизимида мавжуд бўлмагани, фуқаролар судларга мурожаат қилишда ҳужжатларнинг тайёр намуналаридан фойдаланиш имкониятини бергани билан аҳамиятлидир. Веб-сайтда айна пайтда фуқаролик ишлари бўйича давло аризалари, илтимоснома ва шикоятларнинг ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида жами 500 га яқин намуналари жойлаштирилган. Бу эса, ўз навбатида, фуқароларнинг судларга мурожаат қилишида қулайликлар яратиши шубҳасиздир.

Тадбирда иқтисодий судлар фаолиятига жорий этилган янги интерактив хизматлар тақдмоти ҳам бўлиб ўтди. Эндликда иқтисодий судларга электрон мурожаатлар юбориш, суд ҳужжатларини электрон олиш билан бирга мамлакатда фаолият кўрсатаётган барча иқтисодий судларнинг суд мажлислари жадвали билан танишиш, давлат божлари миқдорини электрон ҳисоблаш, судларга мурожаат қилишда ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларидаги давло аризаларининг намуналаридан фойдаланиш мумкин.

Энг муҳими, тақдимотда Президентимизнинг 2018 йил 13 июндаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органлари-га ишончини ошириш чора-тадбирла-

ВАТАН ФИДОЙИ ФАРЗАНДЛАРИНИ ҲЕЧ ҚАЧОН УНУТМАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Қатагон қурбонлари хотираси” давлат музейида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир ана шундай номланди.

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси томонидан ташкиллаштирилган ушбу тадбирда уч авлод вакиллари жамланди. Унда иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронт орти меҳнат фахрийлари, жамғарманинг фаол нуронийлари, ёзувчи-шоирлар, ўқитувчи-мураббийлар, Юнусобод туманидаги 63- ва 70- Шайхонтоҳур туманидан 20-мактаб ўқувчилари, Янгийўл маийш касб-хунаро коллежининг талаба ёшлари иштирок этишди.

Тарихни билмай туриб, келажакни яратиб бўлмайди. Мозий сабоқларини ўрганиб, ундан тегишли хулосалар чиқариш, мустақилликка ўз-ўзидан эришилмагани, бугунги тинч, дорилмон, фаровон ҳаётнинг қадрига етиш ҳар бир ўзбекистонлик фуқаронинг муқаддас бурчидир. Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Қатагон қурбонлари хотираси” давлат музейини бежизга “музейларнинг энг аълоси” дея таърифламаган эди. Мана икки йилдирки, бу жойда шахидлар хотирасини ёдга олиб, уч авлод учрашувини ўтказиш яхши анъанага айланди.

Тадбирни музей директори, “Шахидлар хотираси” жамоат фонди раиси Бахтиёр Ҳасанов кириш сўзи билан очди. Шахидлар майдони мажмуасининг ташкил этилиши, мустақилликнинг осонликча қўлга киритилмагани, оғир уруш йиллари ўзбек халқи сўнгги бурда нонини ҳам юртимизга эвакуация қилинган етим-есирлар оғзида тутгани, қанчадан-қанча инсонларнинг беғуноҳ тўкилган қони ҳақида батафсил маълумот берилди.

Шундан сўнг музейнинг етакчи илмий ходими, филология фанлари доктори, профессор, академик Наим Каримов сўзга чиқди. Қатагон йиллари халқимиз Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Қўлпон сингари кўплаб чин ўғлонларидан айрилгани, ўзбек халқининг энг улуг, сара, зиёли фарзандлари йўқ қилингани, уларнинг бевақт ўлими халқимиз учун катта йўқотиш бўлгани ҳақида фикр билдирди.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 95 ёшни қоралаган Мухтор ота Расулов фронтда кечган хотираларини ёдга олди. Мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ислохотлар, юксак бунёд-

корлик ишлари мустақиллик туфайли эканини таъкидлади. Ўзбекистоннинг келажаги бўлган ёшлар тинчликни асраб-авайлаши, бугунги куннинг қадрига етишлари кераклиги алоҳида ўқитилди.

– Илгари шаҳарда “Алвасти кўприк” дея донги чиққан бу овлоқ ерга унча-мунча одамнинг келишга юраги бетламасди, – дея хотираларини эслади Ўзбекистон халқ артисти, “Фидокорона хизматлари учун” ордени соҳиби Хайрулла Лутфуллаев. – Қатагон йиллари бу жойда тез-тез ўқ овозлари эшитилиб, одамлар кўнглига қўрув соларди. Бугунги ёшларга ҳавасим келади. Сизларга ўтмишимиз тарихи рўйроқ ўқитилмоқда. Аммо биз ўқиган даврда бундай маълумотлар берилмасди...

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходимлари, фахрий журналистлар Муқаддас Абдусаматова, Умида Абдуазимова, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти магистранти Чаманой Жонузоқова мавзунини акс эттирган ижод намуналаридан ўқиб беришди.

Қуролли Кучлар фахрийси, Ўзбекистон Ёзувчилари ҳамда Журналистлари уюмлари аъзоси Искандар Раҳмон ўсиб келаётган ёш авлоднинг ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида гапириб, ўзининг яхши бир тақлифини билдирди:

– Юнусобод туманида барпо этилган бу гўзал мажмуага барчамиз фарзандлару набираимизни тез-тез олиб келиб туришимиз керак. Яқинда Шахрисабз шаҳрида 73 мамлакат вакиллари қатнашган мақом фестивали бўлиб ўтди. Уша ерда ижро этилган мумтоз куйлар, мақом кўшиқлари мана шу жойда ҳам янграб туриши керак, деб ўйлайман. Чунки мусиқа инсон танасига ҳузур бериш билан бирга, ёшларни ҳар томонлама тарбиялайди ҳамда шу жойнинг руҳиятига ҳам мос келади. Волгоград шаҳрида бўлганимизда шундай манзаранинг гувоҳи бўлган эдик...

Тадбир сўнггида шахид кетган юртдошларимиз хотираларига Қуръон тиловат қилинди.

**Дилором ҲОТАМОВА,
“Нуроний” жамғармаси Тошкент шаҳар
бўлими матбуот котиби**

ри тўғрисида”ги Фармони билан барча суд қарорларининг Олий суд веб-сайтида тизимли равишда эълон қилиш жорий этилган маълум қилинди.

Бундан буён фуқароларнинг шахсий ҳаёт дахлсизлигини таъминлаган ҳолда ва суд иштирокчиларининг розилиги билан барча суд қарорлари веб-сайтида эълон қилиб борилади.

Шунингдек, тадбирда судлар фаолиятига тадбиқ этилган марказлаштирилган электрон маълумотлар базаси, ижро варақаларининг электрон юборилиши ва суд ишларининг судьялар ўртасида автоматик тарзда тақсимлиши ҳам ишга туширилгани қайд этилди.

Тадбирнинг энг муҳим асосий қисми Президентимиз гоёси ва ташаббуси билан жорий этилган дунёда биринчи марта доимий ишловчи – суд мажлисларининг онлайн трансляцияси тақдимоти бағишланди.

Суд мажлисларининг онлайн трансляцияси бу – реал вақт режимида Олий суднинг веб-сайти орқали суд мажлисларини бевосита тўғридан-тўғри кузатиш имкониятидир. Мазкур тизим суд мажлисларининг ҳақиқий очкилиги ва шаффофлигини таъминлаш билан бирга фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, жиноятларнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига хизмат қилади. Уяли алоқа воситалари орқали ҳам ушбу тизимдан фойдаланиш мумкин.

Албатта, суд мажлисларининг онлайн трансляцияси фуқароларнинг шахсий ҳаёт дахлсизлигини таъминлаган ҳолда ва суд иштирокчиларининг розилиги билан амалга оширилади.

Ҳозирда ушбу тизим синов тарикасида Ўзбекистоннинг энг чекка ҳудудлари бўлган Хоразм, Сурхондарё ва Наманган вилоятларидаги 12 та судларга ўрнатилган ва ишга туширилган. Жорий йилнинг охирига қадар яна 22 та, 2019 йилда эса 100 дан ортқ судларни онлайн трансляция тизимига ўтказиш режалаштирилган.

Зокиржон ШАРИФҶОНОВ

УСТОЗ ВА МУРАББИЙЛАР УЛУГЛАНДИ

1 октябрь – “Ўқитувчи ва мураббийлар куни” муносабати билан Тошкент давлат юридик университетида байрам тадбири бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида юридик кадрларни тарбиялаб келаётган профессор-ўқитувчилар учун ташкил этилган тадбирда Адлия вазирлигининг масъул вакиллари, Юристар малакасини ошириш маркази, Тошкент давлат юридик университети, академик лицей ва юридик коллежларнинг профессор-ўқитувчилари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққан адлия вазири Русланбек Давлетов ва бошқалар таълим соҳасида олиб борилаётган кенг миқёсли ислохотлар жараёнида юридик таълимга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаб ўтишди. Сўнгги икки йил мобайнида юридик кадрлар фаолиятига доир Президентимизнинг бир қатор қарор ва фармонлари ҳамда ҳукумат қарорларининг қабул қилингани бунга яққол мисол бўлади.

Бугунги кунда вазирлик тасарруфидаги юридик таълим муассасаларида 1000 га яқин педагог-ҳодимлар фаолият кўрсатиб келмоқда. Улар орасида 1 нафар академик, 22 нафар профессор, 23 нафар фао доктори ва 67 нафар фалсафа докторлари мавжуд. Бу эса юридик таълимнинг юқори сифати ва юксак салоҳиятини акс эттиради.

Президентимизнинг жорий йилда қабул қилинган адлия органлари фаолиятини тубдан такомиллаштиришга доир фармон ва қарорларида юридик таълим тизимини такомиллаштириш бўйича бир қатор устувор вазифалар белгиланган берилди.

Жумладан, республикамизнинг барча ҳудудларида 1 тадан, жами 14 та юридик коллежлар ташкил этилди. Уларда ўрта махсус касб таълими “юриспруденция” йўналиши бўйича кадрлар тайёрланади. Ушбу коллежларнинг энг намунали битирувчилари ҳудудий адлия органларининг йўналишлари бўйича кириш тест синовларини юридик университетга ўқишга қабул қилинади.

Шунингдек, юридик кадрларни халқроқ стандартлар бўйича профессионал ўқитиш маркази ташкил этилди, унда давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг юридик хизматларида ишлаш ҳуқуқини берадиган олий маълумотга эга бўлган шахсларни юридик мутахассисликка қайта тайёрлаш курслари ташкил этилди. Бу ҳам катта янгилик ва имкониятдир.

Тадбирда касб байрами муносабати билан ёш авлод тарбиясида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган профессор-ўқитувчи ва ҳодимлар адлия вазирлигининг фахрий ёрлиги ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъаткор ва маданият ходимлари иштирокидаги концерт дастури тадбирга янада кўтаринкилик улашди.

Абдуалим САЛИМОВ

КўНГИЛЛАР ШОД БўЛДИ

Шайхонтоҳур туманидаги Маннон Уйғур маҳалласида жойлашган 167-умумтаълим мактабида “Устоз ва мураббийлар куни” муносабати билан тадбир бўлиб ўтди. Унга маҳалла фаоллари, нафақатдаги ўқитувчилар, мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари тақлиф этилди.

Маннон Уйғур маҳалласида 2 та умумтаълим мактаби, битта мактабгача таълим муассасаси, бир қатор тадбиркорлик субъектлари иш олиб боради. 167-мактаб 1962 йилда ташкил топган, 2014 йили мукамал таъмирдан чиқарилган. Ҳозирда 400 га яқин ўқувчи тахсил олади. 30 га яқин педагоглар ўқувчиларга билим сирларини ўргатиб келмоқда. Ушбу мактабдан элимиз ардоғидаги инсонлар етишиб чиққан.

Тадбирда сўзга чиққан Маннон Уйғур маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шокирбек Музаббек Барча йиғилганларни Устоз ва мураббийлар куни билан кутлаб, бу касбининг шарафли эканлиги, жамиятда уларнинг ўрни ҳақида тўқилиниб гапирди.

Тадбирда нафақатдаги фахрий ўқитувчилар ва мактабнинг фаол мураббийларига Маннон Уйғур маҳалла фуқаролар йиғини томонидан тайёрланган фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари топширилди. – Фурсатдан фойдаланиб, барча ўқитувчиларни Устоз ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан табриқлайман, – дейди шу мактабнинг 11 “А”-синф ўқувчиси Ғузэл Абдушукурова. – Илк бор қўлимга қалам тутқазиб, харф танишиш ўргатган биринчи устозим Эльмира Зияева, кимё фани устозим Мунаввара Қамариддинова, математика фани устозим Санобар Нуриддинова каби барча ўз касбининг фидойис бўлган устоз-мураббийларни табриқлайман. Ёшлигимдан спортнинг қаратэ турига қизиқаман. 2017 йили Ўзбекистон чемпиони бўлдим. Келажакда Ўзбекистон Жисмоний тарбия ва спорт университетига ўқишга кириш ниятим бор.

Тадбирда Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси Хондамир Абдуфаттоев томонидан қуйланган дилтортар кўшиқлар ўзгача шуқуқ бағишланди.

Маннон Уйғур маҳалла ҳудудида жойлашган 211-мактабгача таълим муассасасида бўлиб ўтган байрам тадбири ҳам кўтаринки руҳда нишонланди.


Муассаса 100 ўринга мўлжалланган бўлиб, бугунги кунда 115 нафар тарбияланувчи кичкинтойлар мураббийлар ардоғида. МТМ мудираси Дилдора Абдуқодированинг айтишича, муассаса айна пайтда тайёр овқатлантириш бўйича Аутсорсинг бўйича иш олиб бормоқда, бу эса болаларнинг сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабининг қондиришда муҳим роль ўйнайди.

Байрам тадбирида болажонлар томонидан тайёрланган шеърлар, куй-кўшиқлар янгради. Улар ўз қичишларида устозларини кутлашди.

– Муассасамизда 4 та гуруҳ ташкил этилган, – дейди биз билан суҳбатда тайёрлов гуруҳи тарбиячиси Дилбар Усмонова. – Болажонларни кичиклигиданоқ мактабга тайёрлаш бўйича дастур асосида иш олиб борамиз. Болажонлар турли спорт ва бошқа мусобақаларда қатнашиб, фахрли ўринларни олишмоқда.

Тадбирда ижро этилган театрлашган сахна кўри-нишлари, рақслар барчага манзур бўлди.

Жасур ЭЛИМОВ



Орадан бир йил ўтди...

**КИТОБ ЎҚИГАН ВА УҚҚАН
ОДАМДАН ЁМОНЛИК ЧИҚМАЙДИ**

Ўзбек китобхонлиги, унинг ривожланиш босқичлари, бугунги кунда ноширлик соҳасига берилаётган имконият ва имтиёзлар, китобхон ёшлар сафи кенгаётгани, мутолаа маданияти хусусида "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририга бош муҳаррири Аҳрор АХМЕДОВ Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги муҳбирига қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Агар инсониятнинг шу кунга қадар эришган энг катта ютуғи, катта кашфиёти нима, деб сўраса, мен ҳеч иккиланмай китоб, деб жавоб берган бўлардим. Китоб билимларни оширувчи, назарий билимлар берувчи манба бўлмаганида эди, ўз-ўзидан бошқа кўплаб йўналишларда ривожланиш бўлмасди.

Халқимиз азал-азалдан китобни севган, қадрлаган. Китобхонлик маданияти жуда юксак бўлган. Бир муддат турли ҳолат ва вазиятлар сабаб бу қадимий анъана бироз сустлашгандек, гўё ҳеч қим китоб ўқимаётгандек, ҳамма фақат турмуш таъшивлари билан оворадек кўринди. Аммо мамлакатимизда китоб чоп этиш, уни ўқувчига етказиб бериш борасидаги ишлар тўхтаб қолгани йўқ. Демак, китобхонлар ҳам камайгани йўқ. Аммо ноширлик соҳаси эътибор талаб соҳалардан бири бўлиб қолаётган эди. Бу эса ҳуқуқий, иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни талаб этарди.

Президентнинг 2017 йил 13 сентябрдаги "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни тизимлаштириш ва ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Юртимизнинг қай гўшасида қурилиш ишлари бўлаётган бўлса ўша иншоотлар қуриш режасида, албатта, кутубхона ёки китоб дўкони бўлиши белгиланган. Бу бизни қувонтирадиган, фарзандларимиз камоли, уларнинг порлоқ келажаги учун ўйланган пухта режадир. Шу тарихи қисқа муддатда юртимиз "Китоб ва китобхонлар мамлақати"га айланди.

Китоб маънавий бўшлиқни тўлдирди, маданиятни юксалтирди. Маънавияти бутун, маданиятли инсондан эса ёмонлик чиқмайди. У хиёнат қилмайди. Аммо ўзини китобхондек кўрсатиб сохта яшайдиган, ўзини кўз-кўз қиладиганлар асл маънавиятли эмас. Уларнинг китоб ўқишига ҳам шубҳа билан қарайман.

...Бир вақтлар ёйма савдо-сотик бўлаётган жойда кўп кузатган воқеа ёдимга тушди. Савдога қўйилган ёйма маҳсулотларнинг охирида китоб сотиладиган жойдан ўтиб кичкина емакхонага кириларди. Кўпчилик китобни айланиб ўтиб (салкам босиб ўтарди) ўша емакхонада овқатланарди. Ёнгинасидаги китоблар эътиборни тортмасди ҳам. Беарво ўтиб кетганлар орасида давраларда китоб ўқиш керак, китоб сотиб олишни такомиллаштириш керак, деб маъруза қилганларни ҳам кўрганман.

Эркин иқтисодий жараёнда тадбиркорлар китоб савдосини ҳам эркинлаштириб юборгани нарх-навонинг сунъий кўтарилишига сабаб бўлди. Қоғоз четдан келтирилади. Китобнинг таннариги ҳам шу боис қимматроқ. Аммо таҳлил этиб кўриладиган, тадбиркорликдаги биринчи қўл деганда ҳам китобнинг қадрини фақатгина нарх белгилайди, деб ҳисоблайдиган ишбилармонларнинг кўпайиб кетгани ачинарли. Шундай фикрлар ва хатти-ҳаракат натижасида китобхон китобдан узоқлашмоқда. Агар бу жараён узоқ давом этса, миллат маънавияти, китобхонлик маданиятига ҳиддий таъсир этиши мумкин. Айни тизимни тартибга солидиган ҳуқуқий нормалар жорий этилиши керак, деб ҳисоблайман.

"Шарқ зиёкори" китоб дўконининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказларида

филиаллари бор. Бундан ташқари, кўчма китоб савдолари ҳам мунтазам ташкил этилади. Бундан ташқари, юқоридаги қарор асосида маҳалларда кутубхоналар ташкил этилмоқда. Китобхонлик кенчалари, суҳбатлар ўтказилади. Бу сай-ҳаракат бугун натижа бермаслиги мумкин. Аммо вақти келиб ўзининг ширин, тотли мевасини беради.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташаббуси билан бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида "Ёш китобхон" танлови ўтказила бошланди. Шу жараёндаги бир маълумот эътиборимни тортди. Мазкур танловнинг ўтган мавсумида 250 минг ўғил-қиз иштирок этиб, улар орасидан сараланган ёшлар Президент совғаси — энгил автомашинага эга бўлди. Бу йил ушбу танловда қатнашиш учун 720 минг ёш мурожаат этгани нечоғли аҳамиятли танловга айланганини кўрсатмоқда. Қолаверса, бу ёшлар китоб ўқимаяпти, деган қараш хато эканининг ҳам исботидир. Бу ҳар йили нашриётимиз томонидан чоп этилаётган адабиётларни сотиб олишга бўлган талаб ўсиб бораётганида ҳам намоён бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг юқорида айтилган қарори ноширликка кенг йўл очиш баробарида китобхонлар сафини кенгайтиришга хизмат қиладиган эзгу ишларни ҳам бошлаб берди. Энг сара асарлар кўпроқ босмадан чиқарилиб, китобхонларга етказиб берилмоқда.

Ишлаб чиқаришга, тадбиркорларга берилаётган эътибор сабаб ноширликда ҳам эркин, мустақил иш бошлаган ва фаолият юритаётган хусусий нашриётлар сафи кенгайиб кетди. Бу каби босмахоналарда китоблар кўп ҳолларда муаллифдан сўралмай чоп этилади. Ёки сотуви тезроқ бўладиган олди-қолди асарлар нашр этилмоқда. Уларнинг кўпи китобхонлик талабига жавоб бермайди. Китоб бизнес манбаи бўлмаслиги лозим. Буни англаб етгунимизча айнан шундай асарларни ўқишга китобхон ўргани бўлади. Ундан кейин бу жараённи тўхтатиш, тартибга солиш, сара асарлар мутолаасига эришиш жуда қийин кечади.

Айтиладиган гап битта — китоб ўқиш бу бўш вақтни ўлдириш, ё кўнгилхушлик эмас. У жамиятнинг умумий савиясини кўтарадиган, тараққийётга, ривожланишга хизмат қиладиган энг муҳим омил. Илмдан, маърифатдан, китобдан фойдаланган миллатгина ўзлигини англайди, юксалади.

Барно МЕЛИҚУЛОВА ёзиб олди

**ҚОИДАБУЗАРЛИКЛАР
ФОШ ҚИЛИНДИ**

Божхоначилар 129 млн. сўмлик заргарлик буюмларининг ноқонуний олиб кирилишининг олдини олишди.

"Тошкент-Аэро" ихтисослаштирилган божхона комплекси Контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашиш бўлими ҳамда "И.Каримов номидаги "Тошкент" халқаро аэропорти" чегара-божхона пости ходимлари томонидан қимматбаҳо металл ва улардан ишланган заргарлик буюмларининг ноқонуний олиб ўтилишига доир навбатдаги божхона қоидабузарликлари фош этилди.

Хусусан, "Истамбул-Тошкент" йўналишида учиб келган фуқаро Р.Д. 132 гр. оғирликдаги ва унинг ҳамроҳи Х.Ш. 89,6 грамм оғирликдаги тилла занжир ва зиракларни божхона назоратидан яширинча олиб кираётган вақтда тўхтаб қолди.

Дехлидан учиб келган яна бир фуқаро Р.А. эса божхона назоратидан "яшил" йўлак орқали ўтаётиб, божхоначиларнинг диққатини тортди. Унинг безовталаниши сабаблари эса шахсий кўрик давомида ошкор бўлди. Қаранг-ки, ушбу шахс ҳам декларацияланмаган, божхона ходимининг оғзаки сўровида тақдим қилинмаган 155 гр. оғирликдаги тилла занжирни божхона назоратидан яширинча олиб ўтмоқчи бўлган экан.

Шу тарихида пойтахт аэропортида ўтказилган тезкор тадбирлар давомида божхоначилар томонидан жами 586,6 грамм оғирликдаги, дастлабки суриштирувларга қўра тахминий қиймати 129 млн. сўмлик заргарлик буюмларининг божхона назоратидан яширинча олиб ўтилишига чек қўйилди.

Косметика воситалари, телефонлар, авто эҳтиёт қисмлар...

Пойтахт аэропортида божхоначилар яна нималарни тўхтаб қолди?

"Тошкент-Аэро" ихтисослаштирилган божхона комплекси Контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашиш бўлими ходимлари томонидан И.Каримов номидаги "Тошкент" халқаро аэропорти орқали тиббий буюмлар ва товар-моддий бойликларнинг ноқонуний олиб кирилишига доир яна бир божхона қоидабузарлиги фош этилди.

Пойтахт аэропортида "Сеул-Тошкент" йўналиши бўйича учиб келган фуқаро Б.А. божхона назоратидан "қизил" йўлак орқали ўтаётиб, ёнидаги товар-моддий бойликларни ҳақида йўловчи божхона декларациясида маълум қиладди.

Аммо, унга тегишли бўлган қўл юки ва багажларидаги барча товарлар ҳам ушбу декларацияда кўрсатилмаган эди. Божхоначилар томонидан Б.А.нинг юклари белгиланган тартибда ва холислар иштирокида кўздан кечирилганда, унда жисмоний шахслар учун божсиз олиб кириш меъёрларидан ортқча бўлган, боз устига декларацияланмаган, жами 24 млн. сўмлик 739 дона косметика маҳсулотлари ҳамда 21 дона турли хилдаги уяли алоқа воситалари борлиги аниқланди.

Шунингдек, мазкур рейс билан учиб келган фуқаро И.А.нинг қўл юки ва багажлари божхона кўригидан ўтказилганда, унинг ичида божхона назоратига тақдим қилинмаган ва божхона ходимининг оғзаки сўровида айтилмаган, жисмоний шахслар учун белгиланган олиб кириш меъёридан ортқ бўлган, жами қиймати салкам 4,7 млн. сўмлик 10 дона уяли алоқа воситалари ва 78 дона турли хилдаги автомобиль эҳтиёт қисмлари борлиги аниқланди.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар бўйича божхона текширувлари олиб борилмоқда.

Давлат божхона кўмитаси
Ахборот хизмати

**ҚАЛБ КЎЗИНГ КЎР
БЎЛМАСИН...**

— Иш юзасидан кўчада кўп юраман, йўловчилар ўтиш йўлидаги манзара дилни хира қилади. Ёнимда етакловчи, қўлимда ҳассам бўлса-да аксарият ҳайдовчилар йўл берай, эътиборлироқ бўлай, демаяди, босиб кетишига оз қолса-да узр, сўраш ўрнига дўқ-пўписадан тоймайди, ноилож индамай кетамиз, — дейди Ўзбекистон кўзи оғизлар жамияти Тошкент вилояти Пскент туман бўлинмаси раиси Шаҳодат Назирова. — Айрим жамоат транспортлари кондукторлари ногиронлик гувоҳномага имтиёзларини тушунмайди, пул тўлашни талаб қилади. Бу ҳолатлар биз каби кўзи оғиз инсонлар дилни оғритади.

Мана шу каби ҳолатларнинг олдини олиш, транспорт ҳаракатлари вақтида кўзи оғиз инсонлар учун ноқулайликлар, дилжиралликларни озгина бўлса-да камайтириш мақсадида "Avtotest Report" масъулияти чекланган жамияти республика миқёсида "Avtotest"дан ёрдам" шиори остида кўзи оғиз фуқароларга бегараз ёрдам сифатида махсус ҳассалар топшироқда.

Тошкент шаҳар кўзи оғизлар жамиятида Тошкент шаҳри ва вилоятда истиқомат қиладиган кўзи оғиз фуқаролар иштирокида ана шундай тадбир бўлиб ўтди ва кўзи оғиз фуқароларга махсус ҳассалар топширилди.

— Йўл ҳаракати қоидаларининг 113-бандига мувофиқ пидедаларни ўтиш жойларидан ташқарида ҳам ҳайдовчи оқ ҳасса билан ишора бераётган кўзи оғиз пидедалари ўтказиб юбориши керак, — дейди ЎЗА муҳбирига "Avtotest Report" МЧЖ бош директори ўринбосари Маманбий Омаров. — Афсуски, бу амалиёт тўғри йўлга қўйилмаганлиги сабабли кўпчилик ноқулайликлар юзага келади. Бугун биз бегараз ёрдам сифатида топшираётган ҳассалар махсус нур қайтарувчи рангга бўялган бўлиб, қоронғуда ҳам ҳайдовчилар кўзи оғиз пидедалари пайқаш имконини беради.

И.АХАТОВА

**КОРРУПЦИЯ – МИЛЛИЙ
ХАВФСИЗЛИККА ТАҲДИД**

Пойтахтимизнинг Яшнобод туманида ички ишлар ходими Н.Н.га фуқаро Р.Б. содир этилган жиноят ишини судга юбормасдан тергов ҳаракатларини тугатишни, бунинг учун 1,5 минг АҚШ доллари беришини таклиф қилди.

Аммо ички ишлар ходими бир жиноятнинг орқасидан иккинчисини бошлаётган фирибгарнинг ногорасига ўйнамади, коррупциянинг олдини олди. Зудлик билан воқеа ҳақида прокуратура ходимларига маълум қилди. Натижада фуқаро Р.Б. ички ишлар ходимига 750 АҚШ доллари бераётгани устида ушланди.

Шу каби огоҳликка давлат этувчи ҳаётий мисоллар Тошкент темир йўл муҳандислари институтида Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратураси ҳамда Ички ишлар вазирлиги билан бирга "Коррупция — миллий хавфсизликка таҳдид" мавзусида ўтказилган тадбирга баён қилинди.

Тадбирда коррупцияга қарши курашишда аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқий таълим ва тарбияни кучайтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш муҳим вазифалардан экани, бунда 2017 йил 3 январдаги Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонуни зарур ҳуқуқий асос эканлиги таъкидланди.

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш, турли жиноят ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш борасида изчил чора-тадбирлар амал-

га оширилмоқда. Бу давлат органлари, ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан олиб борилаётган коррупцияга қарши чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

— Коррупцияга қарши кураш нафақат мамлакатимизда, балки бутун жаҳон ҳамжамияти олдида турган энг катта муаммолардан биридир, — дейди Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратурининг мурожаатлар билан ишлаш бўйича ёрдамчиси Алишер Маждов. — Ҳаракатлар стратегиясида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизимининг ўзини, ундан кейин ҳокимликлар ва жамиятдаги бошқа кичик тизимларда ҳалоллик ва Ватанга содиқликни таъминлаш кераклиги ҳақида кўрсатиб ўтилган. Бунинг учун ишни таълим муассасаларидан бошлашимиз лозим. Шу каби тадбирлар орқали ёшлар онгида коррупцияга қарши иммунитетни шакллантирсак, келажақда, албатта, мамлакатимизни ҳуқуқий давлатга айлантира оламиз.

Тадбирда коррупцияга оид тушунчаларни ҳар бир фуқаро билиши учун аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, жамиятда коррупцияга қарши мурасасиз муносабатни шакллантириш зарурлиги қайд этилди.

Даврон СУННАТОВ,
ЎЗА муҳбири